МУМТОЗ СЎЗ СЕҲРИГА ЙЎЛ

Валижон Қодиров. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 йил. – 244 б.

Валижон Қодиров адабиёт ўқитиш методикаси борасидаги ўзига хос қарашлари, адабиёт ўқитишнинг самарадорлигини оширишга доир амалий аҳамиятга эга тавсиялари билан мамлакатимизда танилган мутахассис ҳисобланади. Унинг она тили ва адабиёт бўйича тайёрлаган дарслик ва методик қўлланмалари таълим кечимида қўлланиб, ўқитувчилар томонидан эътироф этилган. Яқинда унинг “Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар” номли монографияси нашрдан чиқди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур китоб ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси илми учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Уч бобдан иборат монографияда таълим тизимида ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини нима учун, қанча ва қандай ўқитишнинг илмий-назарий ва амалий-методик жиҳатлари илк бор тизимли равишда асослаб берилган.

Биринчи бобда тадқиқотчи ўзи тадқиқ этиши лозим бўлган илмий муаммонинг ҳозирги ҳолатини холис текширган. Муаллиф ҳақли равишда мумтоз адабиёт намуналари ўқитилишини қониқарсиз баҳолар экан, бу ҳолнинг объектив ва субъектив омилларини очиб беради. Олим мустақиллик йиллари адабиёт бўйича ДТС ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, бир неча бор такомиллаштирилгани, дарсликларнинг бир неча авлоди чоп этилганлигига эътибор қаратиб, мазкур ҳужжатлар шўро даврига нисбатан олинганда инқилобий дегулик даражада ўзгарган, такомиллашганлигини эътироф этган ҳолда асосий эътиборни стандарт ва дастурлардаги тўлдирилиши керак бўлган ўринлар, дарслик ва қўлланмалардаги бартараф этилиши лозим кўринган нуқсон ва камчиликлар борасида мулоҳазаларини баён этишга қаратади. Айни пайтда филолог-ўқитувчилар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифатига, хусусан, бўлғуси адабиёт муаллимларининг мумтоз адабиёт бўйича билим ва савияларига масъулиятни ошириш даркорлигини таъкидлайди.

Иккинчи бобда мумтоз адабиётни ўқитишнинг эстетик-педагогик ҳамда назарий-методологик асослари ишонарли йўсинда кўрсатиб берган. Муҳими шундаки, тадқиқотчи масалага адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан эмас, балки педагогик кўзқараш билан ёндашади. Шу туфайли мактаб адабий таълими учун ўқувчи бош қадрият, унинг баркамол ва маънавиятли шахс сифатида шакллантирилиши бош мақсад эканлиги муаллифнинг диққат марказида туради. Олим мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш самарадорлигини оширишда тасаввуф таълимоти ва тажалли назариясининг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатиб беради. У тасаввуфга доир илмий қарашларни тарбияланувчилар ёшига хос ва дунёқарашига мос равишда шакллантиришнинг самарали йўлларини кўрсатиб берган.

Ишдаги муҳим назарий янгиликлардан бири – илмга арузий тафаккур тушунчаси олиб кирилгани дейиш мумкин. Олимнинг ўзи таъкидлаганидек, мумтоз асарларга хос вазн ва қофия қолипларига риоя қилиш, ритмика (оҳанг)ни ҳис этиш, қатъий тизим сифатида шаклланган образлар тизими, улар ўртасидаги муносабатлар, бу образлар атрофида гуруҳланган поэтик образлар ҳамда тил хусусиятларини англаш, рамзлар ва мажозлар билан фикрлашдан иборат арузий тафаккурни бутун таълим жараёнида ўқувчиларда шакллантира бориш адабиёт дарсларининг етакчи вазифаларидан бири саналади. Учинчи бобда айнан арузий тафаккур асосида адабий таълим тизимида ўрганилаётган адабий жанрларни қай йўсин ва босқичларда таҳлил этиш, шарҳлаш, тушуниш ва тушунтириш йўриқларини баён қилинади. Олим мумтоз адабиётнинг ўзгармас эстетик қолиплари, талаблари тизимини ўзлаштириб олмай туриб, уни ўргатиш самарадорлигига эришиш мумкин эмаслигини кўрсатади ва уларни ўзлаштиришнинг осон йўллари тизимини ишлаб чиқади. Қисқаси, ушбу монография адабиёт ўқитиш методикаси илмини бир неча поғона юксалишига хизмат қилган фундаментал тадқиқот намунаси бўлиб, ундан, аввало, адабиёт муаллимлари ўзларини қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топишлари мумкин, илмий изланишда бўлган мутахассислар учун эса у назарий қуролланиш, назария ва амалиётни омухталашни ўрганиш манбаси бўлиб хизмат қилади.

Қ.Йўлдошев,
педагогика фанлари доктори, профессор
Ш.Ҳасанов,
Андижон туманидаги 13-мактабнинг
олий тоифали она тили ва адабиёти ўқитувчиси